

Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
Наишлар бўлими бошлиғи

МОТУРИДИЙ ЯШАГАН ДАВРГА МАЗҲАБЛАР ТАРИХИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН БИР ҚАРАШ

Абу Мансур ал-Мотуридий Сомоний-лар даврида Самарқандда яшаган (261/875-389/999)¹. Мотуридий яшаган даврни тинчлик, осойишталик ва нотинчлик нуқтаи назаридан иккига бўлиш мумкин. Биринчиси, тинчлик ва осойишталик даври бўлиб, III/IX асрнинг 2-ярмини қамраб олади. Манбаларда Самарқанд IV/X асрнинг бошларига қадар кўп вақт давомида тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган илм маркази сифатида зикр қилинади². Ҳатто, у даврда Самарқанд ва Бухоро илм, маданият ва санъатда халифалик маркази бўлган Бағдодни ҳам доғда қолдирди³. Зеро, у даврда Самарқандда барқарор ва хавфсиз бир бошқарув мавжуд эди⁴.

Давлат томонидан турли илмий ва тижорий ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, дастакланганидан ташқари, иқтисодий, ҳарбий ва илмий соҳаларда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада турли фикрларни илгари сурган мактаблар пайдо бўлди ва бир-бирлари ўртасида рақобат бошланди⁵.

Аслида Самарқанд Монийлик ва Санавийлик (дуализм)⁶нинг раёсат маркази ва расмий

ийғилишлари ўтказиладиган шаҳар эди⁷, шу билан бирга бу ерда мўътазилий ва карромийлар дарс берадиган ўн еттита мадраса мавжуд эди. Мотуридий калом илмини, Ҳаким Самарқандий эса ҳикмат илмини Ғозийлар работида ўқитишарди. Шиалар бу икки олим билан мазҳаблари борасида илмий мунозаралар қилишди ва бу мунозарада ғолиб келдилар. Шунда Имом Мотуридий Ғозийлар работида Хизр (а.с.)ни кўрдилар ва ундан ёрдам сўрадилар. Хизр (а.с.)нинг дуоси билан Аллоҳ таоло Имом Мотуридийга ҳикмат илмини берди. Бундан кейинги илк мунозарада шиалар енгиллиб, Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби кучайди⁸.

Замон ва шароитнинг қулайлиги ва рақобат муҳитида яхши тобланган Мотуридий тадқиқотчи ва танқидчи бўлиб етишиб, талабалигидан бошлаб Самарқанд уламолари орасида энг етакчилардан бирига айланди. Юқорида зикр этилганидек, шиа олимлари билан бўлиб ўтган баҳс-мунозарада ғолиб чиқиш орқали эришган ишонч ва ғайратли саъй-ҳара-

хусусиятларига ҳам боғлиқ деб таълим беради. Иккичилар, дуалистлар маъносидаги бу сўз ақида ва калом истилоҳидаги сўз бўлиб, эзгулик яратувчиси Нур яҳуд Яздон, ёвузлик яратувчиси Зулмат ёки Ахриман бўлган икки қадимий худога ишонувчиларни ифодалайди. Икки қадимий худоларга ишониш ёки қоинотдаги ҳар бир нарсага икки томонлама қараш турли минтақа ва даврларда турли изоҳ ва иборалар билан намоён бўлган. Абу Мансур Мотуридий “Китобут тавҳид” асарида Санавийлик учун алоҳида бўлим ажратган. (–Б. 239-247).

⁷ Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Ношир Ризо Тажаддуд. Техрон. –Б. 402.

⁸ Абу Ҳафс Умар Насафий. Китабул қанд фи тарихи Самарқанд. В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. СПб, 1898. 1-қисм. –Б. 50-51. Умар Насафийга оид Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд асарининг Техрон ва Фарёб нашрларида юқорида келтирилган маълумот ва баъзи бўлимларнокидир.

¹ Муҳаммад ал-Хузорий. Муҳозарату тарихул умамил исламия ад-давлатил Аббосия. –Б. 311.

² Абу Ҳасан Али ибн Муҳаммад Абдулқарим Ибнул Асир. Ал-Комил фит тарих. Миср, 1965. Ж.7. –Б. 279.

³ Филипп К. Хитти. Сиёсий ва маданий ислом тарихи. Тарж. Солиҳ Туғ. Истанбул, 1995. Ж.3. –Б.727.

⁴ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Мақдисий. Аҳсанут тақосим фи маърифатил ақолийм. Лейден, 1906. –Б.380.// Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон. Вафоётул аъён ва анбау анбаиз замон. Ношир Муҳаммад Мухйиддин Абдулҳамид. Қоҳира, 1317-21. Ж.4. –Б.245.

⁵ Мақдисий. Аҳсанут тақосим фи маърифатил ақолийм. Лейден, 1906. –Б.380.// Ибн Халликон. Вафоётул аъён ва анбау анбаиз замон. Қоҳира, 1317-21. Ж.4. –Б.245.

⁶ Санавийлик (дуализм)– олам худо томонидан яратилган, лекин унинг ривожланиши ўзининг моддий

катлари билан Абу Ҳанифанинг қарашларини Самарқандда бир тизимга солиб, уни кенг ёйишга киришди.

Мотуридий яшаган даврнинг иккинчи қисмига биринчи қисмнинг акси бўлган ғалаён ва тартибсизликлар устун келди. Бу деярли IV/X асрни тамоман қамраб олади. IV/X асрнинг бошида Сомонийлар бир томондан ботинийлар ва қарматийлар ҳаракатлари билан курашишга мажбур бўлган бўлса, иккинчи тарафдан эса шиалар Фотимийлар давлати ва Бувайхийлар сулоласининг сиёсий босими остида қолишган. Айниқса, бунда тахт учун курашлар ҳам муҳим рол ўйнаган. Дарҳақиқат, Амир Исмоил ибн Аҳмаддан кейин тахтни эгаллаган Аҳмад ибн Исмоил 301/913 йилда турк аскарлари томонидан ўлдирилиб, ўрнига ўғли Абул Ҳасан II Наср ибн Аҳмад тахтга ўтказилди⁹.

Абул Ҳасан II Наср ибн Аҳмад ҳали саккиз ёшда бўлгани учун Бухоро ташқарисида яшаган бутун халқ Сомонийларнинг энг ёши улуғи бўлган Самарқанд валийси Исҳоқ ибн Аҳмаднинг тахтга ўтиришини хоҳлашаётганди. Исҳоқ эса бундан фойдаланиб, Сомонийларнинг амири бўлишни хоҳлади ва Насрга қарши кураш очди. Сомонийлар вазири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Жайҳоний ва қўшини Наср II ни қўллаб-қувватлагани учун Исҳоқ ниятига етолмади¹⁰.

Самарқандда бу воқеадан бошқа яна 310/922, 318/930, 331/942, 335/946 ва 380/990 йилларда шу каби катта-кичик ҳодисалар бўлиб ўтди¹¹.

Фотимий давлатининг давлат тепасига келиши билан Фотимий даъватчилари Хуросон ва Мовароуннаҳрда шиалик тарғиботини тезлаштирдилар. Натижада шиа мафкураси ўлкада яна тарқала бошлади. Бу ҳолатни Низомулмулк қуйидагича тасвирлайди:

“Хуросонга келган даъватчилар дастлаб Амир Ҳусайн ибн Али Марвазий ва кейинчалик Рай амири Аҳмад ибн Алига ботиний мазҳабини қабул эттирдилар. Ҳусайн Марва-

зий вафотидан олдин ўзидан кейин мазҳаббошиликка Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабийни келтирди ва унга Хуросонда ўрнига бир вакил қолдириб, Бухоро ва Самарқандга кетишлигини васият қилди ва шундай ўргатди: “Сен ўрнингга қолдирган ноиб турган жойида халқни бу мазҳабга даъват этишга ҳаракат қилиши лозим. Ишининг кучланиши учун Хуросон амири аъёнидан Наср ибн Аҳмаднинг ва давлат буюқларининг мазҳабини қабул этишларига эришишинг шарт”. Ҳусайн Марвазий вафотидан кейин Муҳаммад Нахшабий Бухорога борди ва халқни дастлаб, шиа мазҳабига, сўнгра ботинийликка ўтказиш бошлади. Саройдан ва амирнинг яқинларидан жуда кўп муҳим кишилар ботинийлардан бўлишди. Охири Сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад ҳам ботиний мазҳабини қабул қилди. Муҳаммад Нахшабийнинг нуфузи шу қадар ортдики, бир кун Насрга вазир Жайҳонийнинг¹² қўлга олиниб, ўлдирилиши лозимлигини айтганида, ҳар айтган гапини ўтказганидек, бу айтгани ҳам бажо келтирилди. Бундай жасорат олган Нахшабий ботинийлик тарғиботини очиқчасига қила бошлади. Бу ҳолат табиийки, туркларнинг, қўмондонларнинг, қўшиннинг, олим ва қозиларнинг ғазабини келтирди. Вазият шу даражага етдики, шаҳар ва қишлоқларнинг олим ва қозилари қўшин қўмондони ҳузурига бориб, унга мурожаат қилиб: “Мовароуннаҳрда исломнинг хароб бўлганидан бохабар бўл, бу одам маздакий Нахшабий подшоҳни йўлдан оздириб, уни қирмитийлардан қилди. Халқни йўлдан адаштирди. Ишида шу қадар илгарилаб кетдики, энди очиқчасига қарматийлар мазҳабига даъват қила бошлади. Биз бунга қарши жим туролмаймиз” – дейишди. Қўмондон улар билан бу масалада ҳамфикр эканлигини, лекин сабрли ва хотиржам бўлиш лозимлигини айтди. Сўнг шу масалада амирга бир неча бор учрашиб, ҳал қилмоқчи бўлди. Аммо унинг ҳаракатли муваффақсиз бўлиб, ўлдирилди.

Нух ибн Наср отасининг ўрнига ўтгач, отасини қўлга олиб, ҳибсга олдириди. Амир ва аскарларга: “Отам тўғри йўлдан озгани учун жазосини олади. Орангиздаги бирлик отамнинг тахтга чиққан илк кундаги каби бўлиши

⁹ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарихур русул вал мулк. Муҳаммад Абул Фазл Иброҳим таҳқиқи. Қоҳира. Санаси номаълум. Ж.10. –Б. 147.// Ибнул Асир Ж.7. –Б. 77.

¹⁰ Ибнул Асир Ж.8. –Б. 78, 80.

¹¹ Ибнул Асир Ж.8. –Б. 78, 80, 133, 134, 208-212, 403, 404. Батафсил маълумот учун қаранг. Усмон Айдинли. Самарқанд тарихи. –Б. 308-311.

¹² Жайҳоний санавий (дуализм)да айбланмоқда. Қаранг. Ибн Надим. Ал-Фихрист. –Б. 138. //В.В. Бартольд. Муғул истилосига қадар Туркистон. Нашрга тайёрловчи Ҳақкий Дурсун Йилдиз. Анкара, 1990. –Б. 264.

лозим. Ғазот ҳам кофир ҳам шу ерда, туринглар Мовароуннахр жудаям чалкашти, ғазот қиламиз! Қарматий мазҳабида бўлганларнинг барчасини ўлдириб, ғозий бўлайлик! Юзимизни ёруғ қилайлик! Қарматийларнинг молу мулклари барчаси сизникидир, бориб олайлик! Сиздан Муҳаммад Қарматийни ҳузуримга олиб келишингизни хоҳлайман. Унинг ва отамнинг тарафдорларининг бошларини жудо қилдираман” – деди”¹³.

Низомулмулкнинг келтиришича, шу заҳотиёқ бориб Муҳаммад Нахшабийни келтирдилар ва ўлдирдилар. Абу Мансур Чоғоний ва Ашоб каби ботиний бўлган мансабдорларни қатл қилдилар. Барча бирданига шаҳарга тарқалиб, қарматийларнинг молларини ўзлаштириб, ўзларини ўлдирдилар¹⁴.

IV/Хасрнинг бошларида шиа мафқурасини қабул қилган Бувайҳийлар Аббосийлар бошқарувини ўзлаштириб олдилар ва шиаликдан ташқари, ўзларига яқин деб билган мўътазилийларни қўллаб-қувватладилар¹⁵. Шу билан бирга Мержил фикрича, “Бувайҳийлар Сосонийларнинг анъаналарини қайта тикламоқчи эдилар. Ўзларини Бахроми Гурун авлодидан бўлганликларини даъво қилган Алоуддавла ва Имодуддавла Али шу мақсадда Сосоний ҳукмдорлар қўллаган “шаханшоҳ” унвонини қўлай бошладилар.

Бундан ташқари, Бувайҳийлар ўзларини Сосонийларга боғлайдиган насабномалар тайёрлатдилар”. Шунинг учун шиа Бувайҳийлари сиёсий сабабларга кўра, сунний бўлган Аббосий халифалигига ҳеч нарса дея олмадилар. Чунки улар халифаликнинг адвом этишини ўзларининг ҳудудларида ҳам, ундан ташқарида ҳам ўз фойдаларига ишлатмоқчи эдилар”¹⁶.

Бувайҳийларнинг бу ҳаракати ўзларидаги каби Сосоний авлодидан чиққан Сомонийлар давлат сиёсатига қисман бўлсада ўз таъсирини ўтказган, деган фикрдамиз. Чунки Бувайҳийлар Бағдодни ишғол қилишдан олдин Форс ва Хузистон ноиби Имомуддавла Али (ваф. 322/934 й.) ва Кирмондаги ноиби Муъиззуддавла Аҳмад (ваф. 324/936 й.) томонидан ку-

рилиб, минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатган эди. Шунингдек, Бувайҳий ҳукмдорларидан Адуддавланинг Сомонийлар томонидан қўллаб-қувватланган Самарқанд Иёдия мактабига мансуб бўлган Абу Бакр ал-Иёдийни расмий мансабга тайинлади¹⁷. Бундан ташқари, ўша даврда Абу Али ал-Жуббой¹⁸ (ваф. 303/916 й.) ва Абу Ҳошим ал-Жуббой¹⁹ (ваф. 321/933 й.) каби машҳур мўътазилий олимларидан таҳсил олган ал-Жассос (ваф. 370/981 й.) ва Абу Зайд ад-Дабусий²⁰ (ваф. 430/1039 й.) каби олимлар ва улар етиштирган талабалар Мовароуннахрдаги ҳанафийларга катта таъсир кўрсатдилар²¹.

Мўътазилийларнинг фикрларни ўзлаштирган бу олимлар, албатта, ўзлари каби мўътазилий бўлган Абул Қосим ал-Қаъбийга кўплаб турли хил раддиялар ёзган Имом Мотуридийни танқид қилишди ва эътиборсиз қолдиришди²².

Устига устак, ҳанафий-мўътазилий тушунчаси Ироқдан кейин Хуросон ва Мовароуннахрда бир мунча вақт кузатилган. Ушбу таъсир қисман бўлса-да, 447/1055 йилда Бувайҳийлар давлати кулашигача давом этган деб айтиш мумкин.

IV/Хасрнинг бошларига қадар тўлиғича Имоми Аъзам Абу Ҳанифа қўллаб қувватлаган сунний ақидага амал қилган Сомонийлар кейинчалик қисман бўлса-да, шофиийларни қўллаб-қувватладилар, ҳатто, баъзи шофиёттй олимларни ҳанафий олимлардан устун қўйдилар. Натижада Сомонийлар ҳанафийликдан узоқлашиб, шофиийликка яқинлаша бошладилар. Бу яқинлашув фикримизча қуйидаги икки сабабга кўра бўлиши мумкин:

Биринчиси, 204/809 йилда Самарқанд волиилигига тайинланган Сомонийлар бир асрга яқин қозилик ишларига раъй тарафдори бўлган ҳанафий олимларни тайин этиб, очикчасига ҳанафийликни қўллаб-қувватлашган эди²³. Исмоил ибн Аҳмад давридан эътиборан улар-

¹⁷ Мержил. Бувайҳийлар. DĪA, İstanbul 1992, VI/498.

¹⁸ Юсуф Шавкий Ёвуз. Жуббой Абу Али. DĪA, İstanbul 1993, VIII/99-102.

¹⁹ Авний Илҳан. Абу Ҳошим ал-Жуббой. DĪA, İstanbul 1994, X/146,147.

²⁰ Аҳмет Акгундуз. Дабусий. DĪA, İstanbul 1994, IX/66, 67.

²¹ Wilferd Madelung. Мотуридийликнинг шаклланиши ва турклар орасида ёйилиши. Тарж. Музааффар Тан. Мотуридий ва мотуридийлик. Ankara, 2003. – Б. 308.

²² Қаранг. Ўзен. Мотуридийнинг фикх усулининг қайта қурилиши. – Б. 161-193.

²³ Макдисий. – Б. 339. Бартольд. – Б. 250.

¹³ Низомулмулк. Сиёсатнома. – Б. 239-246.

¹⁴ Низомулмулк. Сиёсатнома. – Б. 246. // Ибн Надим. Ал-Фихрист. – Б. 79. // Исмоиллар ҳақида батафсил маълумот учун қаранг. Музаффар Тан. Исмоилларнинг ташкил топиши. Анкара, 2005. – Б. 131-145.

¹⁵ Эрдоған Мержил. Бувайҳийлар. DĪA, İstanbul 1992, VI/497,498.

¹⁶ Мержил. Бувайҳийлар. DĪA, İstanbul 1992, VI/497.

нинг бу ҳаракати ўзгара бошлади ва Аҳлур раъйга мансуб олимлар эътибордан қолиб, шофиъий олимларнинг қадри орта бошлади. Масалан, Сомонийлар амири Исмоил ибн Аҳмад ҳадис аҳлининг имоми ҳисобланган Муҳаммад ибн Наср каби шофиъий олимларга янада ҳурмат билан қарай бошлади²⁴.

Амир Исмоил ибн Аҳмад (279/295/892-907) даврида қарматий ва бошқа ҳаракатлар тинчлик осойишталик тартибини бузадиган даражага келди. Сўнгра Исмоил 290/902 йилда Самарқанд ва Бухоро, айниқса Мовароуннаҳр олимларини тўплаб, улардан фикс-фужур тарқалишининг олдини олиш, суннийлик эътиқоди асосларининг белгиланишини талаб қилди. Натижада бу вазифа Амир Исмоилнинг яқин дўсти бўлган ҳанафий олим Ҳаким Самарқандийга берилди. У томонидан ёзилган “Саводул Аъзам”нинг 62 моддасида Абу Ҳанифанинг фикрлари акс этган, бу асарнинг шарҳида эса Асҳобул ҳадистомонидан қабул қилинган тушунчага мойиллик мавжудлиги кўринади. Бу эса Сомонийлар бошқарувининг Аҳлур раъйдан Аҳлул ҳадисга ўзгарганига далилдир.

Иккинчиси эса, олдин қозилар ҳанафий олимлар орасидан танлаб олинган бўлса, кейинчалик шофиъий олимларнинг ҳам қозиликка тайин этилишидир. Шунингдек, ўша даврнинг кўзга кўринган шофиъий фақиҳ ва муҳаддисларидан Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Ҳиббон (ваф. 354/965 й.) Самарқанд қозилигига тайинланиб, узоқ муддат бу вазифада қолдирилган²⁵.

Ибн Ҳиббон бир томондан бу вазифасини бажараркан, бошқа томондан таълим бериш билан жуда машғул бўлган²⁶. Ҳатто, Сомонийлар амири Абу Музаффар Аҳмад ибн Наср унинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқандда унинг номига маҳсус бир бино қурдирган²⁷. 330/941 йилга қадар

ҳадис ва фикҳдан таълим берган Ибн Ҳиббон берган дарсларида ражоъ ғоясини қабул қилган ҳанафийларни танқид қилиб, халқнинг улардан узоқлашишини мақсад қилган эди²⁸. У танқид қилган олимлар рўйхати бошида Абу Ҳанифа турарди²⁹.

Абу Ҳанифага қаттиқ қарши турган Ибн Ҳиббоннинг Самарқандга қози сифатида тайин этилиб, сомоний амири томонидан очиқчасига қўллаб-қувватланиши сомонийлар бошқарувининг Аҳли раъйдан кўра Аҳли ҳадисга ён босишининг яна бир исботидир.

Баъзи сомоний амирларининг бир қатор адолатсиз ҳаракатлари олимларнинг, халқнинг ва таниқли кишиларнинг норозиликларига сабаб бўлди. Шу сабабдан сомоний амирларининг Қорахонийлар ва Ғазнавийлар билан курашиш учун олимларнинг халқни ташвиқ этишларини ишталоқларига қарамай, баъзи олимлар очиқчасига бунга қарши фатво берганлар³⁰.

Абу Мутиъ Макхул Насафий, Рустуфғоний каби Асҳобур раъйга мансуб олимлар Асҳобул ҳадисни кўп ҳадис ривоят қилган, аммо уларнинг нозик жиҳатларини англай олмайдиган ва фарз, тарҳиб ва таҳфифни бир-биридан ажрата олмайдиган кишилар сифатида таърифлашлари икки томон ўртасидаги рақобат жуда узоқ вақтдан бери мавжуд бўлганлигига далолат қилади³¹.

Натижада дастлаб кўп вақт давомида ўлкада ҳукмрон бўлган ҳанафий Самарқанд Жузжония мактабининг/Мотуридийларнинг ўрнини IV/X асрга келиб дастлаб Асҳобул ҳадис ғоясига яқин кишилар, кейинчалик ҳанафий-мўътазилий ғояларига яқин кишилар эгаллади деб айтиш мумкин.

²⁸ Ибн Ҳиббон. Китобул мажрухийн минал муҳаддисийн ваз зуъафои вал матрукийн. Mahmud Ibrahim Zayid таҳқиқи. Ҳалаб 1975. Ж.1. –Б. 370, Ж.11. –Б. 311; Ибн Ҳиббон. Китобус сикот. Ж. IX. –Б. 165; Сўнмаз Қутлу-Муржиънинг яратилиши –Б. 223.

²⁹ Хатиб Бағдодий. Ж.3. –Б. 316; Ибн Касир. Табақатул фуқаҳоиш шофиъийин. Ж.1 –Б. 184-185.

³⁰ Бартольд. Ўрта Осиё Турк тарихи ҳақида дарслар. –Б. 74; Баъзи турк ҳарбийларининг Сомонийларга қарши исён кўтаргани ҳам маълум. Қаранг: Мержил. Ғазнавийлар давлати тарихи. –Б. 9,15; Бу ерда зикр этилган қарши фатво берган олимлар ҳанафий олимлар бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

³¹ Макхул Насафий. Китобур рад алал-бидъ. Мария Бернанд таҳқиқи. Annales Islamologiques. 16 (1980). –Б. 121-122./ Рустуфғоний. Ал-Фавоидур Рустуфғоний. –Б. 315.